

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

ФАЙЗУЛЛАЕВ АБДУЛЛА ЗОХИДЖОН ЎҒЛИ

**ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ТУРЛИ ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРГА
МОСЛАНУВЧАНЛИГИ АСОСИДА ЯНГИ НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Файзуллаев Абдулла Зоҳиджон ўғли

Юмшоқ буғдойнинг турли иқлим шароитларга мосланувчанлиги
асосида янги навларини
яратиш..... 3

Файзуллаев Абдулла Зоҳиджон угли

Создание новых сортов мягкой пшеницы на основе адаптивности к
различным климатическим
условиям..... 19

Fayzullaev Abdulla Zoxidjon o`g`li

Creation of new varieties of bread wheat based on adaptability to different
climatic
conditions..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published
works..... 39

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

ФАЙЗУЛЛАЕВ АБДУЛЛА ЗОХИДЖОН ЎҒЛИ

**ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ТУРЛИ ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРГА
МОСЛАНУВЧАНЛИГИ АСОСИДА ЯНГИ НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Qx278 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psueaiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Аманов Ойбек Анварович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Эргашев Иброҳим Тошкентович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Жўраев Маматқул Абдурахмонович
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 рақамли. Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» 12, соат 11³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111218, Тошкент Унверситет кўчаси 1-уй, Тел.: (+99871) 150-62-78; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: paxtauz@mfil.ru Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Бош биноси, 3-қават, анжуман зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг кутубхонасида танишиш мумкин (№ 1293 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Манзил: 111218, Тошкент Унверситет кўчаси 1-уй, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари институти кутубхонаси. Тел.: (+99897) 746-47-60

Диссертация автореферати 2021 йил «3» 12 да тарқатилди.

(2021 йил « » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)



А.Э.Равшанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, қ.х.ф.д., к.и.х.

А.Ё.Курбонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, қ.х.ф.д., к.и.х.

А.Б.Амантурдиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.,
к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. «Буғдой дунёда экиладиган майдонларнинг 14 фоизига яқинини эгаллаб, жаҳон озиқ-овқат савдосида етакчи ўринда туради. Буғдой савдоси озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини шаклланиши ва фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Охирги 10 йилликда буғдой етиштириш 8,2% га, унинг истеъмоли эса 7,9% га ортиб, йиллик ишлаб чиқариш 765 млн. тоннага етган»¹. Ер шаригадаги 7,4 млрд аҳолини дон ва ун маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек кейинги йилларда кузатилаётган иқлим шароитларининг глобал ўзгариши муносабати билан қишлоқ хўжалигида кўп миқдорда дон ва дон маҳсулотларини етиштиришда абиотик ва биотик омилларга чидамли, ҳосилдор буғдой навларини яратишни тақозо этади.

Дунё бўйича сўнгги ўн йилликларда иқлимни глобал ўзгариши муаммолари тобора кўпроқ муҳокама қилинмоқда, чунки бу омил қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бу омил таъсирини юмшатиш, қишлоқ хўжалигида барқарор ишлаб чиқаришни таъминлаш бугунги куннинг асосий вазифасидир. Бунда экиш муддатларини оптималлаштириш, абиотик омилларга чидамли бўлган навларни танлаш, агрономик амалиётларни яхшилаш, тупроқнинг физик ва кимёвий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда турли минтақаларда юқори ҳосил ва сифатли дон етиштиришда илмий асосланган ҳолда минтақа шароитларига мос, барқарор ҳосил берадиган, дон сифат кўрсаткичлари ўзгармас бошоқли дон экинлари навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон шароитида бошоқли дон экинлари орасида буғдой асосий ўринни эгаллайди ва ҳозирги кунда 1 миллион 38 минг гектар суғориладиган майдонларда етиштирилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 53 минг, Қашқадарё вилоятида 140 минг ва Тошкент вилоятида 106,5 минг гектар майдонда етиштирилиб, янги серҳосил кузги буғдой навларини яратилиши ва ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳисобига дон ҳосилдорлиги ва унинг сифатини оширилишида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида «қасаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш»² бўйича вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда республиканинг турли ҳудудларига мос, ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига чидамли ва барқарор ҳосил берадиган кузги буғдой навларини яратиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

¹ <https://www.fao.org> 2019.ru

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 27 ноябрдаги 959-сон «Бошқоқли дон етиштиришни янада рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПФ-5853-сонли фармонлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “ Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган ва лалмикор майдонлар учун юмшоқ буғдойнинг (*Triticum aestivum L.*) турли иқлим шароитларда биотик ва абиотик омилларга чидамли ҳамда йиллар давомида ҳосилдорлиги барқарор бўлган навларни яратиш бўйича СИММУТ халқаро ташкилоти олимлари M.Sanches, Ram Sharma, A.Morgunov, глобал иқлим ўзгаришининг буғдойга таъсири бўйича Ҳиндистоннинг Систематик ботаника ва ўрмончилик институти олимлари Ashor Kumar and Avtar Singh, Эрон Университети олими J. Valizadeh ва бошқалар томонидан олиб борилган. Улар иқлим ўзгаришининг буғдой ҳосилдорлигига таъсирини ўрганишда вегетация даври, барг сатҳи, биомасса ва дон ҳосилдорлиги каби белгиларнинг ирсийланишини ўрганиш асосида навлар яратишган. Суғориладиган ва лалмикор майдонлар учун буғдойнинг абиотик омиллар - иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамли навларини яратиш бўйича мамлакатимизда А.А.Аманов, З.Ф.Зиядуллаев, О.А.Аманов, Ғ.Ғайбуллаев, А.М.Абдуазимов, Ш.Дилмуродов ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Уларнинг тадқиқотларида ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик омилларига чидамли буғдой навларини яратишда асосан синтетик селекцияга кўпроқ эътибор берилиб, дурагайлаш, якка танлаш усулларида фойдаланган ҳолда бир нечта навлар яратилган.

Аммо, ҳозирга қадар олиб борилган тадқиқотларда республикада, об-ҳавонинг ноқулай (совуқ ва иссиқ) шароитларига ва сариқ занг касаллигига чидамли ҳамда йиллар давомида барқарор ҳосилдорликни сақлаш хусусиятларига эга бўлган кузги юмшоқ буғдой навлари яратилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиали илмий тадқиқотлар режалари билан боғлиқ бўлиб, № ҚХ-А-ҚХ-2018-86 «Республиканинг суғориладиган ва лалмикор майдонлари учун абиотик омилларга, касалликларга чидамли, ҳосилдор, дон сифати юқори

бўлган кузги ва баҳорги юмшоқ буғдойнинг янги навларини яратиш» (2018-2020 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юмшоқ буғдойнинг Марказий Осиё ва жаҳон коллекцияси намуналаридан аналитик селекция усулида республиканинг жанубий, шимолий ва марказий минтақаларида қурғоқчилик, иссиқлик, совуққа, сариқ занг касаллигига чидамли эртапишар ҳамда барқарор ҳосил берадиган кузги юмшоқ буғдой навларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

республиканинг турли худудларида маҳаллий навлар ва коллекция намуналаридан иборат экологик синов кўчатзорларини ташкил қилиш;

турли иқлим шароитида нав ва намуналарда баргнинг сув сақлаш қобилияти, қишга ҳамда сариқ занг касаллигига бардошлилик хусусиятларининг ҳосилдорлик элементларига таъсирини аниқлаш;

турли худудларда нав ва намуналарнинг вегетация даври, маҳсулдорлик, ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш;

ҳосилдорлик элементлари ва дон сифат кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

ташқи муҳитнинг абиотик ва биотик омилларига чидамли бўлган навлардан фойдаланиб, мақсадли чатиштириш ўтказиш асосида қишга, қурғоқчилик ва сариқ занг касаллигига бардошли, дон сифати юқори бўлган ҳамда йиллар мобайнида барқарор ҳосил берадиган дурагай авлодлари яратиш;

турли иқлим шароитлари учун мослашган, ҳосилдорлиги ва дон сифати юқори бўлган янги навлар яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалида яратилган маҳаллий ҳамда CIMMYT ва ICARDA халқаро марказларидан келтирилган юмшоқ буғдойнинг 50 та нав ва намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети юмшоқ буғдой нав ва намуналарининг лаборатория шароитида сув сақлаш қобилияти ва уруғ унувчанлиги, қишга ва занг касалликларига бардошлилиги, турли агроэкологик шароитларга мосланувчанлиги ҳамда ҳосил барқарорлиги, ҳосилдорлик элементларига мосланувчанликнинг таъсири тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатув, ҳосилни йиғиштириш, ҳисоблаш лаборатория таҳлиллари “Бутунитгифок Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услуги” номли услубий қўлланма, биометрик ўлчов таҳлили Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш марказининг услуги бўйича, донининг сифат кўрсаткичлари «Методические рекомендации по оценке качество зерна» услуги бўйича, маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel ва GenState13 дастури ёрдамида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Республиканинг жанубий, шимолий ва марказий минтақаларида қурғоқчиликка, қишга, сариқ занг касаллигига чидамли эртапишар ҳамда

йиллар мобайнида барқарор ҳосил берадиган кузги юмшоқ буғдой нав ва намуналари ажратиб олинган;

жаҳон коллекция намуналари ҳамда маҳаллий навлардан фойдаланиб, мақсадли чатиштириш ўтказиш, юмшоқ буғдойнинг занг касалликларига, иссиқлик, қурғоқчилик, шўрга, қишга чидамли, ҳосилдор ва дон сифат кўрсаткичлари юқори бўлган дурагай авлодлар яратилган;

доннинг сифат кўрсаткичларидан умумий оқсил, хўл клейковина миқдори ва клейковинанинг сифат кўрсаткичи (ИДК) бўйича, жанубий, марказий ҳамда шимолий минтақлардаги андоза навларига нисбатан энг юқори кўрсаткичга эга бўлган намуналари ажратиб олинган;

республиканинг жанубий, шимолий ҳамда марказий иқлим шароитлари учун мосланувчан, ташқи муҳитнинг стресс омилларига чидамли, йиллар давомида барқарор ҳосил берадиган, юқори дон сифат кўрсаткичларига эга бўлган юмшоқ буғдойнинг янги “Сарбон” ва “Довон” навлари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лаборатория шароитида иссиқлик ва қурғоқчиликка “Ғозғон” навига нисбатан бардошли бўлган 34 та нав ва намуналар, сунъий майдонларда сариқ занг касаллигига “Бунёдкор” навига нисбатан бардошли бўлган 9 та нав ва намуналар ҳамда дала шароитида қишга чидамлилиги бўйича “Краснодарская-99” навига нисбатан 5 та нав ва намуналар танлаб олинган;

дала шароитида мақсадли чатиштириш орқали юмшоқ буғдойнинг занг касалликларига, иссиқлик, қурғоқчилик, шўрга, қишга чидамли, ҳосилдор ва дон сифат кўрсаткичлари юқори бўлган 4 та дурагай авлодлар яратилган;

жанубий, шимолий ҳамда марказий иқлим шароитлари учун мосланувчан, ташқи муҳитнинг стресс омилларига чидамли, йиллар давомида барқарор ҳосил берадиган, юқори дон сифат кўрсаткичларига эга бўлган юмшоқ буғдойнинг янги “Сарбон” ва “Довон” навлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги, диссертация ишида қўлланилган услубларнинг тадқиқотларни бажарилишига мослиги, олинган натижаларнинг республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, маълумотларнинг ишончлилиги, тадқиқотлар йўналиши Давлат буюртмалари бўйича амалий йўналишдаги илмий лойиҳаларни таркибий қисми эканлиги ҳамда тадқиқот натижаларини халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этирилганлиги, ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лаборатория шароитида нав ва намуналарнинг иссиқлик ва қурғоқчиликка чидамлиги, сунъий майдонларда сариқ занг касаллигига чидамлилиги, дала шароитида қишга чидамлиги андоза навларга нисбатан баҳоланиб, иссиқликка ва қурғоқчиликка чидамли, сариқ занг касаллигига бардошли, йиллар давомида барқарор ҳосилдорликка эга кузги юмшоқ буғдойнинг янги “Сарбон” ва “Довон” навлари якка танлаш

усули орқали яратилганлигини илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жанубий, марказий ва шимолий минтақалар учун андоза навларига нисбатан иссиқлик, қурғоқчилик, қишга чидамли, сариқ занг касаллигига бардошли, йиллар давомида барқарор ҳосилдорликка эга бўлган кузги юмшоқ буғдойнинг янги “Сарбон” ва “Довон” навларини ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли иқлим шароитларининг абиотик ва биотик омилларига чидамли бўлган юмшоқ буғдойни янги навларини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

марказий минтақа иқлим шароитида ўтказилан тажрибаларда сариқ занг касаллигига чидамли ва маҳсулдорлиги юқори бўлган юмшоқ буғдойнинг 9 та нав ва намуналари танлаб олинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 мартдаги 02/021-1133-сон маълумотномаси). Натижада ушбу нав ва намуналарнинг дон ҳосилдорлиги ўртача 72,8-77,4 ц/га бўлиб, андоза “Бунёдкор” навиға нисбатан 1,1-5,7 ц/га ортиқ дон ҳосили олинган;

шимолий минтақа иқлим шароитида олиб борилган тажрибаларда совуққа чидамлилиқ даражаси юқори бўлган 5 та намуналар танлаб олинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 мартдаги 02/021-1133-сон маълумотномаси). Натижада ушбу намуналарнинг дон ҳосили 65,4-74,1 ц/га, оқсил миқдори 14,1-15,1 фоиз, клейковина миқдори 27-29,4 фоизни ташкил этган;

республикамизнинг жанубий, марказий ва шимолий минтақалари учун ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига, абиотик ва биотик омилларга чидамли, йиллар давомида барқарор юқори ҳосилдорликка эга, дон сифати юқори бўлган “Сарбон” нави яратилиб, синаш учун Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказига 2018 йилда топширилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 мартдаги 02/021-1133-сон маълумотномаси). Натижада янги яратилган “Сарбон” нави 2021 йилдан Қашқадарё вилоятининг суғориладиган майдоналари учун истиқболли навлар сифатида давлат реестрига киритилган;

ўтказилган илмий изланишлар натижасида 2020 йилда янги юмшоқ буғдойнинг “Сарбон” нави Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиали Қарши тумани агроучасткасида 5 гектар, Қорақалпоғистон Деҳқончилик илмий тадқиқот институти Чимбой агроучасткасида 5 гектар ва Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти Қибрай агроучасткасида 5 гектар, жами 15 гектар майдонида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 мартдаги 02/021-1133-сон маълумотномаси). Натижада жанубий минтақа иқлим шароитида андоза “Ғозғон” навиға нисбатан 10,9 ц/га юқори дон ҳосили олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация

мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предметлари тарифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён этилган, изланишларнинг амалий натижалари очиб берилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми ва таркиби баён этилган.


Диссертациянинг биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан республикамиз ва хорижий давлатлар олимларининг юмшоқ бўғдой селекция соҳасида бажарилган илмий ишлар, ҳосилдорликни оширишда навнинг роли, бўғдой ҳосилдорлигига салбий таъсир этувчи стресс омилларга чидамли навларни яратилиши ва унинг самараси, бўғдой селекциясида бошланғич манбанинг роли, жаҳон бўғдой коллекциялари, юмшоқ бўғдойда сифат кўрсаткичлари, бўғдой донининг сифатини пасайтирувчи омиллар бўйича олинган маълумотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш жойи, тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот услублари**» деб номланган иккинчи бобида тажрибалар олиб борилган жой ва унинг шароитлари, тадқиқотларда фойдаланилган илмий материаллари, селекцион ва статистик усуллар тўғрисидаги маълумотлари баён этилган.

Диссертациянинг «**Тажриба натижалари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотдан олинган натижалар таҳлил қилинган.

Ушбу бобда ҳалқаро ва маҳаллий 50 та нав ва намуналардан иборат агроэкологик нав синаш кўчатзорда 3 қайтарик, 3 минтақада экилган бўлиб, уларнинг шимолий минтақа иқлим шароитида қишга чидамлилиқ, жанубий минтақада сув сақлаш қобиляти, марказий минтақада сариқ занг касаллигига чидамлилиқ даражаси баҳоланган. Шунингдек, жанубий, марказий ва шимолий минтақа иқлим шароитларда баҳоланган нав ва намуналарнинг ўсув даври давомийлиги, маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги ва дон сифат кўрсаткичларининг таҳлил натижалари келтирилган.

Шимолий минтақа иқлим шароитида экилган нав ва намуналарнинг қишга чидамлилиқ даражаси ўсимликнинг туплаш даврида қишга кириш олди ва қишдан чиқиш олди ҳар бир пайкалчада 1 м² майдонда туп сонини санаш орқали баҳоланган. Олинган натижаларга кўра, қишга чидамлилиқ даражаси 64,3 % дан 85,6 % гача оралиғида бўлган. Қишга чидамлилиқ бўйича 64-70 % оралиғида бўлган 5 та, 71-80 % оралиғида бўлган 34 та ҳамда 81 % дан юқори бўлган 11 та намуналар борлиги аниқланган. Андоза сифатида танлаб олинган Краснодарская-99 навида 83,3 % ни ташкил қилган бўлиб, KRBW17-3 (Довон) навида 84,7 % ва KR15-9808 (Сарбон) навида 85,2 % ни ташкил қилиб, андоза навга нисбатан 1,4-1,9 % натижа билан чидамлироқ эканлиги қайд қилинган (1-расм).



1-расм. Нав ва намуналарнинг қишга чидамлилиқ ҳамда сариқ занг билан касалланиш даражаси.

Тадқиқотларда буғдойни сариқ занг касаллигига чидамлилиги ва берилувчанлиги 4 гуруҳга бўлиб баҳоланган.

- 0-10 % гача, (R-10MR) чидамли навлар – 19 та.
- 10-50 % гача, (10MR-50MR) ўртача чидамли навлар – 10 та.
- 30-50 % гача, (30MS-50MS) ўртача берилувчан навлар – 12 та.
- 50-100 % гача, (50S-100S) кучли берилувчан навлар – 9 та

Андоза Бунёдкор навида сариқ занг касаллигига 20 MR ўртача чидамлик даражасини намоен қилган бўлиб, танлаб олинган KR15-9808 (Сарбон) навида 7 MR ни, худди шундай KRBW17-3 (Довон) навида ҳам 8 R ни ташкил қилиб, андоза навга нисбатан сариқ занг касаллигига чидамли бўлган.

Қарши тумани шароитида етиштирилган 50 та нав ва намуналарнинг бошоқлаш фазасида сув сақлаш қобиляти лаборатория шароитида ўрганиб чиқилган. Бунда сув сақлаш қобиляти нисбатан юқори бўлган нав ва намуналар қурғоқчиликка чидамли сифатида танлаб олинган. Изланишлар натижасига кўра, ўрганилган 50 та нав ва намуналардан сув сақлаш қобиляти 16 та намунада 25,7 % дан 32,2 % гача, қолган 34 та нав ва намуналарда 32,7 % дан 44,2 % гача бўлган. Андоза Ғозгон навида умумий сув миқдори 70,2 %

ни, сув тақчиллиги 10,6 % ни ва сув сақлаш қобилияти эса 32,2 % ни ташкил этган бўлиб, KR15-9808 (Сарбон) навида умумий сув миқдори 63,2 %, сув тақчиллиги 5,6 % ва сув сақлаш қобилияти 35,9 % ни ташкил қилганлиги аниқланган.

Юмшоқ буғдой нав ва намуналари тўлиқ ўсув даври Қарши тумани иқлим шароитида экилганда 209 кундан 219 кунгача, бошоқлаш-пишиш даври давомийлиги 40 кундан 44 кунгача, Қибрай туманида экилганда 216 кундан 228 кунгача, бошоқлаш-пишиш даври 39 кундан 47 кунгача ва Чимбой туманида экилганда 249 кундан 261 кунга, бошоқлаш-пишиш даври давомийлиги эса 41 кундан 48 кунгачани ташкил этганлиги кузатилган. Ўрганилган тадқиқотлар давомида андоза навларга нисбатан барча минтақаларда энг қисқа ўсув даври давомийлигини ташкил қилган UZ15PC-204 ва UZ15PC-278 намуналари Қарши туманида 209 кунни, Қибрай туманида 216 кунни ва Чимбой туманида 249-250 кунни қайд қилинган.

Тажрибадаги нав ва намуналарнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ўрганилиб ўсимлик бўйи таҳлил қилинган. Қарши тумани шароитида андоза Ғозғон навида ўсимлик бўйи $101 \pm 0,8$ см ни ташкил қилган бўлиб, танлаб олинган KR15-9808 (Сарбон) навида $112 \pm 7,0$ см, KRBW17-3 (Довон) навида $100 \pm 4,5$ см бўлган.

Қибрай тумани шароитида ўсимлик бўйи андоза Бунёдкор навида $118 \pm 6,5$ см бўлиб, танлаб олинган KR15-9808 (Сарбон) навида $121 \pm 6,7$ см ни, KRBW17-3 (Довон) навида $120 \pm 6,5$ смни ташкил қилиб, 2018-2020 йиллар давомида хаво-хароратининг таъсири натижасида Қарши тумани ҳамда Қибрай тумани иқлим шароитларида етиштирилган юмшоқ буғдой нав ва намуналари ўртасида сезиларли фарқ юзага келганлиги кузатилди.

Чимбой тумани иқлим шароитида эса ўсимлик бўйи андоза Краснодарская-99 навида $108 \pm 6,1$ см ни ташкил қилган бўлиб, танлаб олинган KR15-9808 (Сарбон) навида $121 \pm 6,7$ см, KRBW17-3 (Довон) навида $98 \pm 5,3$ см ни ташкил қилганлиги фенологик кузатувлар натижасида аниқланган.

Жанубий минтақа Қарши тумани иқлим шароитида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, нав ва намуналарнинг дон ҳосилдорлиги андоза Ғозғон навида $79,4 \pm 13,5$ ц/га, KR15-9808 (Сарбон) навида $86,7 \pm 10,2$ ц/га ва KRBW17-3 (Довон) навида эса $83,2 \pm 7,9$ ц/га бўлган.

Марказий минтақа иқлим шароитида олиб борилган тажрибаларда, дон ҳосилдорлиги андоза Бунёдкор навида $73 \pm 7,0$ ц/га, KR15-9808 (Сарбон) навида $80,4 \pm 7,8$ ц/га ва KRBW17-3 (Довон) навида эса $81,7 \pm 7,8$ ц/га бўлганлиги аниқланган.

Шимолий минтақа Чимбой тумани иқлим шароитида эса, андоза Краснодарская-99 навида $65,6 \pm 2,2$ ц/га, KR15-9808 (Сарбон) навида $74,1 \pm 5,0$ ц/га ва KRBW17-3 (Довон) навида эса $65,4 \pm 6,3$ ц/га дон ҳосилдорлигига эга бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларига кўра, жанубий минтақа иқлим-шароитида етиштирилган нав ва намуналарнинг 1000 дон дон вазни ўртача 37,4 г дан 45 г гача, марказий минтақада 38-47,1 г оралиғида, шимолий минтақада эса, 37,6 дан 47 г гача бўлганлиги аниқланган.

Янги яратилган KR15-9808 (Сарбон) нави жанубий минтақа иқлим шароитида 42,7 г ни ташкил қилиб, Ғозғон навига нисбатан 2,8 г, марказий минтақа иқлим шароитида 43,2 г бўлиб, андоза Бунёдкор навига нисбатан 4 г ва шимолий минтақа иқлим шароитида 43,2 г ни ташкил қилиб, андоза Краснодарская-99 навидан 4,1 г юқори натижага эга бўлганлиги аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал.

Нав ва намуналарнинг дон ҳосилдорлиги ва 1000 дона дон вазни

№	Нав ва намуналар номи	Ҳосилдорлик, ц/га			1000 дона дон вазни, г		
		Қарши	Қибрай	Чимбой	Қарши	Қибрай	Чимбой
1	Краснодарская-99	60,4±18,6	66,2±6,1	65,6±2,2	38,2±0,6	39,4±1,2	39,1±1,4
2	Бунёдкор	69,8±17,8	73±7,0	62,4±6,6	38,1±0,5	41,7±1,4	40,1±1,3
3	Ғозғон (Андоза)	79,4±13,5	76,7±7,4	63,9±2,6	39,9±0,6	40±1,4	39,6±1,3
4	Яксарт	71,6±16,9	73,7±7,0	67±2,9	42,3±0,6	46,2±1,6	40,6±1,4
5	KR15-9808 (Сарбон)	86,7±10,2	80,4±7,8	74,1±5,0	42,7±0,7	43,2±1,5	43,2±1,5
6	UZ15PC-58	73,2±10,0	80,5±7,7	74,9±1,7	39,4±0,6	42,6±1,5	44,8±1,6
7	UZ15PC-204	68,9±8,6	63,4±5,0	68,1±2,0	42,1±0,6	40±1,4	40,7±1,4
8	UZ15PC-278	62,6±9,8	65,7±8,7	67,1±1,4	43,9±0,6	40,6±1,4	42,9±1,3
9	UZ15PC-317	64,9±8,8	78±7,6	64,6±1,5	38,7±0,6	41,8±1,5	42,2±1,5
10	KRBW17-3 (Довон)	83,2±7,9	81,7±7,8	65,4±6,3	39,9±0,6	47,1±1,7	40,6±1,3
	Энг паст натижа	56,9	60,1	55,4	37,4	38,0	37,6
	Энг юқори натижа	86,7	81,7	77,6	45,0	47,1	47,0
	Ўртача натижа	68,9	71,1	67,1	40,7	41,2	41,1

Янги яратилган KR15-9808 (Сарбон) нави жанубий минтақа иқлим шароитида 42,7 г ни ташкил қилиб, Ғозғон навига нисбатан 2,8 г, марказий минтақа иқлим шароитида 43,2 г бўлиб, андоза Бунёдкор навига нисбатан 4 г ва шимолий минтақа иқлим шароитида 43,2 г ни ташкил қилиб, андоза Краснодарская-99 навидан 4,1 г юқори натижага эга бўлганлиги аниқланган.

Турли иқлим шароитларда ўрганилган нав ва намуналарнинг дон сифати кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Натижаларга кўра, жанубий минтақа иқлим шароитида оқсил миқдори 12,9-15,7 %, клейковина миқдори 25,4-28,8 %, ИДК кўрсаткичи 73,6-106,6 ва дон шишасимонлиги 44,6 % ни, марказий минтақа иқлим шароитида оқсил миқдори 13-16,3 %, клейковина 25,2-30,3 %, ИДК 63-106,4 ва дон шишасимонлиги 43,6-79,7 ни ҳамда шимолий минтақа иқлим шароитида оқсил миқдори 13,2-16,3 %, клейковина 25,7-30,2 %, ИДК 63,1-106,3 ва шишасимонлик 44,1-79,8 % бўлганлиги тадқиқотлар натижасида аниқланган.

Оқсил миқдори янги яратилган KR15-9808 (Сарбон) нави жанубий минтақа иқлим шароитида 14,4%, шимолий ва марказий минтақаларда бир хил 15,1% ни ташкил этган бўлса, KRBW17-3 (Довон) нави жанубий минтақада 14,4%, марказий минтақада 14,3 ва шимолий минтақада 14,1% ни қайд этди.

Клейковина миқдори KR15-9808 (Сарбон) нави жанубий минтақада 27,5%, марказ ва шимолий минтақларда 29,4% дан бўлди. KRBW17-3 (Довон) навида эса, жанубий минтақада 28,2%, марказий минтақада 28,7 ва шимолий минтақада 29,4% ни намоён қилганлиги аниқланди. Дон сифати кўрсаткичлари жанубий минтақага нисбатан шимолий минтақа иқлим шароитида юқори бўлди (2-жадвал).

2-жадвал.

Нав ва намуналар донининг технологик сифат кўрсаткичлари

№	Нав ва намуналар номи	Оксил миқдори, %			Клейковина миқдори, %		
		Қарши	Қибрай	Чимбой	Қарши	Қибрай	Чимбой
1	Кр-99 (Андоза)	14,3	14,4	14,5	26,5	27,6	28,9
2	Бунёдкор (Андоза)	14,2	14,4	14,7	28,0	26,9	29,2
3	Ғозғон (Андоза)	13,9	15,1	14,3	26,9	28,1	27,6
4	Яксарт (Андоза)	13,6	14,4	14,6	26,8	27,4	27,0
5	KR15-9808 (Сарбон)	14,4	15,1	15,1	27,5	29,4	29,4
6	KRBW17-3 (Довон)	14,4	14,3	14,1	28,2	28,7	29,4
	Энг паст натижа	12,9	13,0	13,2	25,4	25,2	25,7
	Энг юқори натижа	15,7	16,3	16,3	28,8	30,3	30,2
	Ўртача натижа	14,3	14,4	14,4	27,3	28,0	27,9

Белгилар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик масаласига бир қатор тадқиқотчилар катта эътибор қаратган. Бу борада ушбу тадқиқотчилар томонидан белгиларнинг миқдорий қийматлари ва улар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик бўйича бевосита тадқиқотлар ўтказилган. Шулардан келиб чиқиб, иқлим ва об-ҳаво шароитлари билан биргаликда селекцион материалларнинг ўзига хос хусусиятлари, бошланғич материаллар ва бошқа омилларнинг таъсирига боғлиқ эканлиги исботланган.

Тадқиқот натижалари асосида Қарши тумани иқлим шароитида ўрганилган нав ва намуналарнинг коррелятив боғлиқликлари таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, дон ҳосилдорлигининг дондаги клейковина миқдори билан $r=0.31$, оксил миқдори билан $r=0.21$, 1000 дона дон вазни билан $r=0.35$, ўсимлик бўйи билан $r=0.16$, бошоқ узунлиги билан $r=0.33$, бошоқчалар сони билан $r=0.47$, вегетация даври билан $r=0.08$ ва бошоқлашгача бўлган кун билан $r=0.10$ кучсиз ва ўртача ижобий корреляцияга эга бўлган бўлиб, бир бошоқдаги дон оғирлиги билан $r=-0.02$, ИДК билан $r=-0.03$ ҳамда шишасимонлик ўртасида $r=-0.07$ кучсиз салбий корреляцион боғлиқликлар борлиги аниқланган.

Қибрай тумани иқлим шароитида ўрганилган нав ва намуналарнинг коррелятив боғлиқликлари таҳлил натижалари қуйидагича бўлган. Ҳосилдорлик билан вегетация даври ўртасида $r=-0.04$ ва шишасимонлик билан $r=-0.22$ кучсиз салбий боғлиқлик бўлган, қолган барча кўрсаткичлар билан ижобий корреляцион боғлиқликлар борлиги аниқланган. Ўсимлик бўйи ва дон сифат кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликлар ўрганилганда эса, ўсимлик бўйи

ва оксил миқдори ўртасида $r=-0.17$, клейковина миқдори билан $r=-0.19$, шишасимонлик билан $r=-0.84$, намлик билан $r=-0.20$ кучсиз ва кучли салбий боғлиқликлар бор бўлса, фақатгина ИДК кўрсаткичи билан $r=0.36$ ўртача ижобий коррелятив боғлиқлик борлиги аниқланган.

Чимбой тумани иқлим шароитида олиб борилган тажрибаларнинг коррелятив боғлиқликлари таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, қишга чидамлик даражаси билан ҳосилдорлик, дон сифат белгилари ва маҳсулдорлик белгилари ўртасидаги боғлиқликлар ўрганилган. Ўрганишлар натижасида қишга чидамлик билан ҳосилдорлик ўртасида $r=0.25$, 1000 дон дон вазни билан $r=0.06$, туплашгача бўлган кун билан $r=0.18$, бошоқ узунлиги билан $r=0.13$, ўсимлик бўйи билан $r=0.11$, намлик билан $r=0.07$, вегетация даври билан $r=0.05$ кучсиз ижобий боғлиқликлар бўлса, шишасимонлик билан $r=-0.04$, ИДК билан $r=-0.25$ кучсиз салбий корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Юмшоқ буғдой дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги”** деб номланган тўртинчи бобида жаҳон коллекция намуналари ҳамда маҳаллий нав ва тизмалар ўртасида ўтказилган дурагайлаш натижаларининг гибридологик таҳлиллари келтирилган.


Биринчи авлод дурагай ўсимликларда ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги, 1000 дон дон вазни ва оксил миқдори асосан ўта доминант ҳолда, дон шишасимонлиги доминант ва ўта доминант ҳолда ирсийланганлиги кузатилган бўлса, F_2 ўсимликларда эса гетерозис ҳолати қисман сақланиб қолганлиги қайд қилинди.

Диссертациянинг **“Турли иқлим шароитларида юмшоқ буғдой нав ва намуналарини миқдорий белгилари бўйича кластер таҳлили”** деб номланган бешинчи бобида 3 та минтақа иқлим шароитида олиб борилган тажриба натижалари асосида, нав ва намуналарни кластерларга ажратишда *Statgraphics* компьютер дастурида генетик яқинликнинг ўлчови сифатида *Euclidean* масофасидан, бирлаштириш усули сифатида эса *Ward* усулидан фойдаланган ҳолда аниқланган.

Нав ва намуналар бирлаштирилган кластерларнинг энг кам сони 5 та, энг кўп сони 8 тага тенг бўлди. Ушбу гуруҳларга ажралишлар таҳлил қилинганда навларнинг қимматли-хўжалик белгилари бўйича яқинлигини аниқлаш учун 6 кластерли таҳлил энг мўътадил эканлиги аниқланган. Натижада белгилар мажмуаси бўйича фарқ қилувчи ва ўз хусусиятларини авлодларда сақловчи бешта гуруҳ – кластерлари ажратиб олинган.

Жанубий минтақа иқлим шароитида ўрганилган тажрибарнинг кластер таҳлили бажарилган.

Қилинган таҳлил натижасида 6 та кластердан иккинчи кластерда асосан баланд бўйли (119,5 см) ўсимликлар жойлашган. Бу кластерга кирган нав ва намуналарда бошоқ узунлиги ўртача 11,1 см ни ташкил этиб, бошоқчалар сони 16,3 ва ундаги дон сони ўртача 49,6 та эканлиги ва бир бошоқдаги дон оғирлиги 1,23 граммга тенг эканлигини кўрсатган. Шунингдек, ўрганилган барча намуналар ичида бу кластерга кирган навларнинг барча хўжалик белгилари юқори кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланган (2-расм).



2-расм. Нав ва намуналарни хўжалик белгилари бўйича кластерларга ажралиш диаграммаси.

Марказий минтақа иқлим шароитида ўрганилган тажрибаларнинг хўжалик белгилари бўйича кластер таҳлили натижасида янги яратилган КRBW17-3 (Довон) нави бешинчи кластерга, KR15-9808 (Сарбон) нави эса олтинчи кластерга кирган.

Шимолий минтақа ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида ҳам экилиб қимматли-хўжалик белгилари бўйича кластер таҳлили ўрганилган. Ўрганишлар натижасида янги яратилган КRBW17-3 (Довон) нави учинчи кластерга, KR15-9808 (Сарбон) нави эса олтинчи кластерга кирган.

Кўп йиллик тадқиқот натижаларида $F_2[F_1[PYN \times BAU] \times F_1[AGRI \times BJY]] \times VEE$ дурагай комбинациясидан кўп қиррали якка танлаш услубида “KR15-9808 (Сарбон)” нави яратилган.

Навнинг ботаник тури Эритроспермум (*Erythrospermum*) тур хилига мансуб, биологик ҳаёт тарзи кузги типда, бошоғи цилиндрсимон, ранги оқ, бошоқ узунлиги 9-10 см, бошоқдаги бошоқчалар сони 20-22 та, бошоқчалар ўртача зич жойлашган, бошоқдаги дон сони 62-66 та, қилтиғи ўртача, бошоқ қобикчаси туксиз. Дони қизил рангда, тухумсимон, йирик, ялтироқ, тўкилмайди, 1000 дона дон вазни 40,1-41,3 г, дон ҳажм оғирлиги 800-804 г/л. Дон таркибида оқсил миқдори 14,5-16,0 %, клейковина миқдори 29,1-30,9 %, ялтироқлиги 70,0 %, нон ёпилиш сифати яхши. Ўсимлик бўйи 105-110 см, мустаҳкам, ётиб қолишга чидамли, барги ўртача узунликда, яшил рангда, туксиз. Тупланиши яхши, пояси тўғри. Нав ўртапишар, иссиқликка чидамли, қишга, сариқ ва қўнғир занг касалликларига бардошли. Суғориладиган майдонлар учун юқори сифатли, донининг технологик хусусиятлари яхши, касалликларга чидамли, ҳосилдорлиги 69,1-76,6 ц/га.

ХУЛОСАЛАР

1. Шимолий минтақа шароитида ўрганилган нав ва намуналарнинг қишга чидамлилиқ даражаси 64,3% дан 85,6% гача бўлганлиги қайд қилинди. Нав ва намуналарда қишга чидамлилиқ ва туплашгача бўлган кун ўртасида ($r=0.18$), ҳосилдорлик ва қишга чидамлилиқ ўртасида ($r=0.26$), қишга чидамлилиқ ва дон оқсиги ўртасида ($r=0.14$) кучсиз ижобий корреляцион боғлиқликлар борлиги аниқланди. Қишга чидамли бўлган андоза Краснодарская-99 навига нисбатан KR15-9808 (Сарбон) ва KRBW17-3 (Довон) навлари юқори натижага эга бўлганлиги аниқланди.

2. Сув сақлаш қобиляти билан ҳосилдорлик ўртасида ($r=-0.05$) ва 1000 дон дон вази ўртасида ($r=-0.20$) кучсиз салбий боғлиқликлар, сув сақлаш қобиляти билан оқсил миқдори ўртасида ($r=0,10$), клейковина миқдори ўртасида ($r=0,13$) кучсиз ижобий корреляцион боғлиқликлар борлиги аниқланди.

3. Нав ва намуналар орасида сарик занг касаллигига андоза Бунёдкор нави ўртача (20,7 MR) чидамлилиқни намоён қилган бўлса, KR15-9808 (Сарбон) нави (7,7 MR) чидамли бўлганлигини кўрсатди. Шунингдек, андоза навага нисбатан чидамли ва маҳсулдорлиги юқори бўлган 9 та намуналар танлаб олинди.

4. UZ15PC-204, UZ15PC-278 намуналари 3 та минтақада ҳам тезпишар эканлигини намоён этди. Ўсув даври давомийлиги Қарши тумани шароитида 209-219 кун, Қибрай тумани шароитида 216-228 кун, Чимбой тумани шароитида 249-261 кунга, ўсимлик бўйи Қарши туманида 92,1-118,8 см, Қибрай туманида 95,7-121,4 см, Чимбой туманида 94-121,4 см га тенг бўлди.

5. Дон сифати кўрсаткичларини таҳлили Қарши туманида андоза Ғозгон навига нисбатан оқсил миқдори 10 намунада паст, 4 та намунада бир хил ва қолган барча намуналарда юқори, клейковина миқдори 32 та нав ва намуналарда юқори бўлганлигини кўрсатди. Марказий минтақа Қибрай тумани иқлим шароитида андоза Бунёдкор навидан оқсил миқдори юқори бўлган 22 та, клейковина миқдори бўйича 43 та нав ва намуналар аниқланди. Шимолий минтақа Чимбой туманида эса оқсил миқдори бўйича андоза Краснодарская-99 навидан юқори бўлган 17 та, клейковина миқдори бўйича 10 та нав ва намуналар ажратиб олинди.

6. Ҳосилдорлик бўйича Қарши тумани шароитида андоза Ғозгон навидан юқори эга бўлган KR15-9808 (Сарбон) нави (86,5 ц/га), KRBW17-3 (Довон) нави (83,6 ц/га), Қибрай тумани шароитида андоза Бунёдкор навидан юқори бўлган KR15-9808 (Сарбон) нави (80,4 ц/га), KRBW17-3 (Довон) нави 81,7 ц/га ва Чимбой тумани шароитида KR15-9808 (Сарбон) нави (74,1 ц/га) KRBW17-3 (Довон) нави (65,4 ц/га) андоза Краснодарская-99 навидан устунликни намоён қилди. Республикамизнинг марказий, жанубий ва шимолий минтақа иқлим шароитларида кенг майдонларга экиш тавсия этилди.

7. Нав ва намуналар бирлаштирилган кластерларнинг энг кам сони 5 та, энг кўп сони 8 тага тенг бўлди. Нав намуналарни қимматли-хўжалик белгилари бўйича яқинлигини аниқлашда 6 кластерли таҳлил энг мўътадил эканлиги аниқланди. Белгилар мажмуаси бўйича фарқ қилувчи ва ўз

хусусиятларини авлодларда сақловчи бешта гуруҳ – кластерлари ажратиб олинган.

8. Қишга, сариқ занг касаллигига ва қурғоқчилик шароитларда юқори натижаларни кўрсатган Сарбон ва Довон навлари янги нав сифатида Давлат нав синаш марказига топширилди. Ушбу янги яратилган навлар Республикамизнинг турли минтақаларида экиш ва кенг майдонларда кўпайтириш учун ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПРИ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

**КАШКАДАРЬИНСКИЙ ФИЛИАЛ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО ИНСТИТУТА ЗЕРНОВЫХ И
ЗЕРНОБОБОВЫХ КУЛЬТУР**

ФАЙЗУЛЛАЕВ АБДУЛЛА ЗОХИДЖОН УГЛИ

**СОЗДАНИЕ НОВЫХ СОРТОВ МЯГКОЙ ПШЕНИЦЫ НА ОСНОВЕ
АДАПТИВНОСТИ К РАЗЛИЧНЫМ КЛИМАТИЧЕСКИМ УСЛОВИЯМ**

06.01.05 – Селекция и семеноводства

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.2.PhD/Qx278

Диссертация завершена в Кашкадарьинском филиале НИИ зерновых и зернобобовых культур.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.psueaiti.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Аманов Ойбек Анварович**
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Эргашев Иброхим Тошкентович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Жўраев Маматкул Абдурахмонович
доктор философии по сельскохозяйственным наукам

Ведущая организация: **Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита диссертации состоится « 15 » 12 2021 года в 19³⁰ часов на заседании Научного совета PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (Адрес: 111218, Ташкент, ул. Университетская, дом-1. Тел.:(+99871) 150-62-78; факс:(+99871) 150-61-37; e-mail: rahtaуз@mail.ru, Административное здание, 3 этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в библиотеке Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована под номером 1293). Адрес: 111218, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-1. Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, библиотека. Тел.: (+99897) 746-47-60).

Автореферат диссертации разослан « 3 » 12 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от « » _____ 2021 года)



А.Э.Равшанов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.с/х.н., с.н.с.

А.Ё.Курбонов

Заместитель секретаря научного совета по присуждению ученых степеней, д.с/х.н., с.н.с.

А.Б.Амантурдиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с/х.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. «Пшеница занимает около 14 процентов посевных площадей в мире и в мировой торговле продуктами питания занимает лидирующее положение. Торговля пшеницей играет важную роль в формировании и деятельности системы продовольственной безопасности. За последнее десятилетие производство пшеницы увеличилось на 8,2%, а ее потребление – на 7,9%, при этом годовое производство достигло 765 млн. тонн»¹. Для обеспечения 7,4 миллиарда населения земного шара зерном и мучными изделиями необходимо выведение высокоурожайных, устойчивых к абиотическим и биотическим факторам сортов пшеницы с целью выращивания большого количества зерна и зерновых продуктов в сельском хозяйстве в связи с глобальными изменениями климата в последние годы.

В мире всё больше обсуждаются проблемы глобального изменения климата в последние десятилетия, потому что этот фактор заметно влияет на урожайность сельскохозяйственных культур. Смягчение влияния данного фактора, обеспечение стабильного производства в сельском хозяйстве является основной задачей на сегодняшний день. При этом, важной задачей является создание и внедрение в производство сортов зерновых колосовых культур с неизменяющимися показателями качества зерна, дающих стабильный урожай и адаптированными к условиям местности на основе выращивания высокого урожая и качественного зерна с учётом оптимизации сроков посева, подбора устойчивых к абиотическим факторам сортов, улучшения агрономических практик, физических и химических свойств почвы.

В условиях Узбекистана, среди зерновых колосовых культур, пшеница занимает основное место и на сегодняшний день высевается на площади 1 миллион 38 тысяч гектаров поливных земель. В частности, в Республике Каракалпакстан на 53 тысячах, в Кашкадарьинской области на 140 тысячах и в Ташкентской области на 106,5 тысячах гектаров, при этом, за счёт выведения и внедрения в производство новых высокоурожайных сортов озимой пшеницы достигнуты определённые результаты в повышении урожайности зерна и улучшении его качества. В пункте 3.3 Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан отмечены задачи по «созданию и внедрению в производство новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивых к болезням и вредителям, адаптированных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям». Для решения этих проблем одними из актуальных задач являются выведение сортов озимой пшеницы, адаптированных к различным регионам республики, устойчивых к неблагоприятным факторам окружающей среды и дающих стабильный урожай.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

¹ <https://www.fao.org> 2019.ru

выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 959 от 27 ноября 2018 года «О дополнительных мерах по дальнейшему стимулированию выращивания зерновых колосовых культур», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5742 от 17 июня 2019 года «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве», Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

